



XASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI - O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

2016-YIL 3-SENTYABR, SHANBA, 36 (668)-SON

e-mail: xxi_asr@mail.uz, web sayt: www.21asr.uz

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING AXBOROTI

Азиз ватандошлар, Юрагимизда чуқур қайғу билан барчамиз учун қадрли бўлган Президентимиз Ислам Абдуганиевич Каримов вафот этганини маълум қиламиз. Ислам Абдуганиевич 2016 йил 2 сентябрда Тошкент шаҳрида бош миёнда қайта тикланмайдиган ўзгаришларга ва полиорган етишмовчилигига олиб келган миёна қон айланисининг ўткир бузилиши (инсульт) оқибатида вафот этди.

публикамиз мустақилликка эришди ва ўз тараққийи йўлида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ўш давлатимиз учун гоёт мураккаб ва масъулиятли даврда вазият беқарорлашувининг олди олингани ва халқимизнинг уруш дахшатларини кўрмасдан эсон-омон ўтиши бевосита Ислам Каримов номи билан боғлиқ.

давлат арбоби сифатида мангу яшайди. Барчамиз учун қадрли бўлган Президентимизнинг васиятига кўра, Ислам Каримов шу йил 3 сентябрда ота-онаси мангу кўним толган она шахри Самарқандда мусулмон урф-одатларига биноан дафн этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси


Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING BIRINCHI PREZIDENTI И.А.КАРИМОВНИНГ ДАФН МАРОСИМИНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА ДАВЛАТ КОМИССИЯСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов вафот этгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

Комиллов А.Ҳ. — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири; Қўрбонов Р.Д. — "Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази" акциядорлик жамияти директори, Ўзбекистон Қаҳрамони; Мирбойбеков Б.Ш. — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси; Раматов О.Ж. — "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони; Санакулов Қ.С. — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори, Ўзбекистон Қаҳрамони; Мирзаев З.Т. — Самарқанд вилояти ҳокими; Ганиев Б. — "Камолот" Ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси; Усмонов Ш.Ҳ. — Республика "Нуроний" жамғармаси раиси; Усмонов Р.Д. — Тошкент шаҳар ҳокими; Шарипова М.А. — Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 2-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернатининг математика фани ўқитувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTI ISLOM ABDUGANIEVICH KARIMOV



мир йўли бунёд этилди. Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарлари йўналишлари бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган поездлар қатнов йўлга қўйилди, халқаро аэропортлар модернизация қилинди, "Навоий" аэропорти негизда халқаро логистика маркази ташкил этилди ва Ўзбек миллий автомагистрالي қурилиши якунига етказилди.

Ватанимиз, бутун ўзбек халқи ўта оғир жудаликка учради. Буюк давлат ва сиеват арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов шу йил 2 сентябрь кунги оғир касалликдан сўнг вафот этди.

Ўзбекистоннинг дунёда энг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган иқтисодийётга эга бўлган бешта давлат қаторидан жой олгани Президент Ислам Абдуганиевич Каримов томонидан олиб борилган ислохотларнинг амалий ифодаси бўлди.

Ислам Абдуганиевич Каримов 1938 йил 30 январда Самарқанд шаҳрида хизматчи оиласида туғилди. Ўрта Осиё политехника институти ва Тошкент халқ ҳўжалиги институтини муҳандис-механик ва иқтисодчи мутахассисликлари бўйича тугатди.

Ислам Абдуганиевич Каримов Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони сифатида Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли химоя қилишга қодир бўлган замонавий Қуролли Кучларни тубдан ислох этиш, уларнинг жанговар салоҳияти ва қудратини оширишни таъминлади.

Ислам Абдуганиевич Каримов 1983 йилда Ўзбекистон ССР Молия министри, 1986 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Республика Давлат план комитетининг раиси этиб тайинланди.

Ў туб негизда бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик ва вужудга келайтган қарама-қаршилик ва можароларни фақатгина тинч, сиесий йўл билан ҳал этишга асосланган тинчликпарвар сиеват мужассам бўлган Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиеват концепциясини ишлаб чиқди ва амалга оширди. Давлатимиз раҳбари минтақамизда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга улкан ҳисса қўшди.

Ислам Абдуганиевич Каримов 1989 йилнинг июнидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ислам Абдуганиевич Каримовнинг ташаббуси асосида, эски қолип ва мезонларни бутунлай воз кечган ҳолда, кенг миқёсдаги Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, таълим-тарбия тизимини энг замонавий халқаро стандартлар бўйича тубдан ўзгартиришга қаратилган ислохотлар дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди.

1990 йил 24 март кунини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг сессиясида Ислам Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди. 1991 йил 29 декабрда муқобиллик асосида ўтказилган умумхалқ сайловида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти этиб сайланди.

Ислам Абдуганиевич Каримов мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунининг ҳал қилувчи кучига айланиб бораётган ёшларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини бутунлай ўзгартирган, наёқирон авлодни тарбиялаб вога етказишнинг янги принципиал тизимини ташкил қилиш ва уни ҳаётга жорий этиш ишларига бевосита раҳбарлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.ИСМОИЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.ЎЙЛДОШЕВ

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.МИРЗИЁЕВ

Ислам Абдуганиевич Каримовнинг касаллиги ва вафоти сабаблари тўғрисида ТИББИЙ ХУЛОСА

Бемор И.А.Каримов, 78 ёшда, 27 август кунини эрталаб соат 09.00 да ҳўсиз ҳолатда зудлик билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказий клиник шифонасига олиб келинди.

Ганновер халқаро нейрохирургия институтининг вице-президенти ва ижрочи директори, профессор Амир Самми (Германия), Кардиоторакал марказ директори, профессор Жилли Дрейфус (Монако), Хейдельберг университети клиниксининг кардиология бўлими раҳбари, профессор Хьюго Катус (Германия), Хельсинки университети Марказий госпиталининг нейрохирургия бўлими профессори Юка Хернисниemi (Финляндия) томонидан тиббий кўриқдан ўтказилди.

кузатилди. Беморга уч мартаба динамик электроэнцефалография текширув ўтказилиб, унда бош миёнининг биоэлектрик фаоллигининг сўйсийиши аниқланди.

27 августдан 28 августга ўтар кечаси бемор етакчи хорийик клиникларининг нейрохирурглари, кардиолог ва реаниматологлари — А.Н.Бакуев номидаги Юрак-томир хирургияси илмий маркази директори, академик Л.Боқерия, Н.Н.Бурденко номидаги нейрохирургия илмий маркази директори, академик А.А.Поталов (Россия),

Соғлиқни сақлаш вазири Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тиббиёт фанлари доктори, шахсий шифокор

А.Алимов Ш.Каримов В.Аваков Б.Гафуров Ф.Қориев Р.Қўрбонов К.Маҳхамов П.Черниш

Мамлакатимиз раҳбари миллий-маънавий кадриятларимизга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришни давлат сиевати даражасига кўтарди, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширишга катта ҳисса қўшди.

У фуқаролик жамияти институтига, аввало, маҳдланган давлат ва жамият бошқарувидаги нуфузини ошириш, уларнинг ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Ислам Абдуганиевич Каримовнинг пойтахтимиз Тошкент шаҳри, мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқлари қиёфасини замонавий меъморлик талаблари асосида тубдан ўзгартириш борасидаги кенг қўламли бунёдкорлик ишларини эл-юртимизга яхши билади ва юксак қадрлайди.

Ислам Абдуганиевич Каримов суверенитет ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқларвар демократик ҳўқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатгани учун Ўзбекистон Қаҳрамони унони, "Мустақиллик" ва Амир Темур орденлари билан тақдирланган.

Ислам Абдуганиевич Каримов Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳўқуқий аъзоси эди. Айни вақтда у иқтисодий, илм-фан, таълим-тарбияни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун қўлаб хорийик мамлакатлар университети ва академияларининг фахрий фан доктори ҳамда академик этиб сайланган. Шунингдек, у бир қанча хорийик давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотларнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан ҳам муқофотланган эди.

Ислам Абдуганиевич Каримов ўз халқини чексиз меҳр-муҳаббат билан севар эди ва ўзининг сўнгги кунларига қадар бутун ҳаётини Ўзбекистонга хизмат қилишга бағишлади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, ўзбек халқининг буюк фарзанди Ислам Абдуганиевич Каримовнинг сўнам хотира-си барча миннатдор юртдошларимизнинг, бутун халқимизнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

Ш.М.Мирзиёев, Н.Т.Ўйлдошев, Н.М.Исмоилов, Р.Р.Иноят, Ш.С.Азимов, Д.А.Назармухамедов, Х.М.Султонов, Р.И.Солихов, И.М.Мирзаалиев

ЖАРАЁН

УЧРАШУВ

✓ O'zLiDeP Навоий вилоят ташкилоти ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари уставимизда белгиланган вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Депутат ва сайловчи мулоқоти

Яқинда Қўзилтепа туманидаги "Тулбоғ" маҳалла фуқаролар йиғинида 33-Арабон сайлов округидан Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашига сайланган Абдусалим Жалилов сайловчилар билан учрашди. Учрашув доирасида "Мустақиллик тоғдек таълимимиз" номли очик мулоқот ташкил этилди. Худудий ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, O'zLiDeP вилоят Кенгаши ходимлари, партия фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлими аъзolari мутахассислари, фермер ва тадбиркорлар, маҳалла фаоллари иштирок этган мазкур мулоқотда истиқлол даврида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, спортчиларимизнинг Бразилияда ўтказилган Олимпиада ўйинларида қўлга киритган муваффақияти алоҳида тилга олинди.

— Фермерлик ҳаракати асос солинган илк паллада худудимизда саноклигинга фермер хўжалиги ташкил топган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 126 тага етди, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Қобилов. — Ер ўз эгасини топди, хўжаликлар ўз махсулотлари билан ички бозорни таъминлабгина қолмай, хорижга ҳам экспорт қилишга эришмоқда.

Мулоқот давомида сайловчилар депутатнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари билан танишишди. Тадбир якунида "Варозун" қишлоқ фуқаролар йиғини худудида яшовчи 10 та кам таъминланган оила фарзандларига депутат ўз маблағи ҳисобидан компьютер ҳамда ўқув қуроллари топширди.

Жўрабек АСЛОНОВ,

O'zLiDeP Навоий вилоят Кенгаши Ешлар билан ишлаш бўлими мудири

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИАТЛАРИ

Марказнинг янги кўриниши

Сурхондарё вилоятининг Термиз туманида капитал таъмирланган маданият ва аҳоли дам олиш маркази фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида аҳолининг дам олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

— Шу пайтгача фойдаланишда бўлган бино маънавий эскириб қолган эди, — дейди Термиз тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази раҳбари Шерали Холтўраев. — "Боймурод-Термиз" хусусий корхонаси бунёдкорлари томонидан қайта таъмирланган, қиёфасини тубдан ўзгартирган икки юз ўринли иншоот замонавий усулда жиҳозланиб, унга янги ўриндиқлар ўрнатилди. Иштирок ва совутиш тизимлари тубдан ўзгартирилди. Яратилган бу каби шароитлар аҳолига маданий хизмат кўрсатиш сифати ва самардорлигини янада оширишда муҳим омили бўлмоқда.

Х.МАМАТРАЙИМОВ,
ЎЗА мухбири



Улкан лойиҳа самаралари

✓ Халқимизнинг ўзига хос бунёдкорлик салоҳияти, шунингдек, мамлакатимиз иқтисодий қудратини намойиш эта олган улкан лойиҳалардан бири ҳисобланган Ангрэн — Поп янги электрлаштирилган темир йўли линияси Ўзбекистон ҳамда Хитой ҳамкорлигининг амалий исботи бўлди. Шу йилнинг йилнинг 22 июнида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ҳамда Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзиньпин иштирокида ушбу темир йўл ва Қамчиқ туннелининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Ўшандан буён мазкур темир йўли йўналишида ойига 500 минг тоннадан ортиқ юк ташилди.

ДАВРА СУҲБАТИ

киритилган қўшимчага асосан яқка тартибдаги тадбиркорларга бир нафардан унчагина ходим ёллаш ҳуқуқи берилди. Ушбу имкониятдан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 8 мингга яқин фуқаронинг иш билан бандлиги таъминланди.

Тадбирда, шунингдек, хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда суд органларининг роли ва аҳамиятини ошириш борасида қилиниши лозим бўлган вазифалар тўғрисида ҳам сўз юритилди.

Тадбир қатнашчилари диққатига бир неча далил ва рақам тақдим қилинди. Биргина 2016 йилнинг ярим йили давомида тадбиркорлик соҳасидаги қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 1 минг 208 та тақдимнома ва 955 та оғоҳнома киритилиб, қўрилган таъсир чоралари натижасида 979 нафар мансабдор шахслар интизомий жавобгарликка тортилди, 52 нафари эғаллаб турган лавозимидан озод этилди. Давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг хусусий сектор ҳуқуқларини чеклайдиган 837 та ноқонуний ҳужжатлари қонунга мувофиқлаштирилди.

Анжуриданда, шунингдек, назорат қилувчи органлар масъул ходимлари томонидан қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши, хусусан, давлат хизматлари кўрсатувчи идоралар томонидан белгиланган талаб даражасида иш олиб борилиши қонунийлигини таъминлашга, тадбиркорларнинг давлат органларига нисбатан ишончи ортиси ва ўз навбатида, соҳанинг иқтисодийдаги улуши янада кўпайишига хизмат қилиши эътироф этилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
"XXI asr" мухбири

ИСЛОҲОТ

Тадбиркорлар ҳуқуқлари қонун ҳимоясида

✓ Адлия вазирлигида "Тадбиркорлар ҳуқуқларини давлат томонидан кафолатланиши мустақиллик маҳсулидир" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда хусусий мулк ва тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир бир қатор қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилди. Рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш, ортиқча бюрократик говларни бартараф этишга оид қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Фаолиятнинг лицензияланмаган турлари ва рухсат бериш тартиботлари анча қисқарди, рўйхатдан ўтказиш ҳамда ҳисобот тизими содда-лаштирилди. Тадбиркорларнинг молиявий хўжалик фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай ҳуқуқий таъсир чораларининг суд қарорига биноан қўлланилиши белгиланди.

Президент Ислам Каримовнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва ушбу ҳужжат асосида тасдиқланган Дастанда белгиланган вазифаларни амалиётга тўлиқ таъбиқ этиш мақсадида 12 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

Шунингдек, 2015 йилнинг 21 августидан кучга кирган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилинишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур қонун билан 10 та кодекс ҳамда 33 та қонунимизга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Жиноят кодексининг 184-моддасига киритилган қўшимчага кўра, тадбиркор томонидан солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти натижасида давлатга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганда, жавобгарликдан озод этиш белгиланди. Натижада ҳозирга қадар 40 дан ортиқ тадбиркор етказилган зарарни қоплагани учун жавобгарликдан озод этилди.

Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга мувофиқ, солиққа оид бир нечта ҳуқуқбузарлик учун молиявий жаримнинг

миқдори энг кўп белгиланган жарима миқдоридан ошмаслиги жорий этилди. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарнинг моддий аҳоли ва бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, суд молиявий жаримнинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ жарима белгилашга ҳақли эканлиги белгиланди.

Шунга кўра, хўжалик судлари томонидан 500 га яқин ҳолатда молиявий жарималар ҳуқуқбузарлик мажмуи бўйича қўлланилган бўлса, 200 дан ортиқ ҳолатда эса белгиланган молиявий санкциянинг энг кам миқдоридан ҳам камроқ молиявий санкция қўлланилди.

Ҳозирги кунда тадбиркорлик субъектларига қулайлик яратиш, уларнинг жадал ривожланиши таъминлаш мақсадида 70 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатда 380 дан зиёд имтиёз ва преференция белгиланган. Мисол учун, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишда 2017 йилнинг 1 январига қадар бўлган муддатга мораторий қўлланилиши назарда тутувчи преференция мавжуд. Қўлланилган мораторий натижасида 15 минг 849 та тадбиркорлик субъекти 2016 йил текшириш режасига киритилмади.

Шунингдек, ушбу қонуннинг 6-моддасига

Битирувчининг иш билан таъминланиши

нафақат ўзи, балки яқинлари ва жамият фаровонлиги учун ҳам муҳимдир

✓ Илм нур, у инсон қалбини, умр йўлини ёритади. Касб-хунар эса ҳаётга мазмун бағишлайди. Инсоният яралибдики, билимли ва хунарли бўлишга интилиб яшайди.



давр тақозосидир. Бунда худудларнинг маҳаллий шароитига мос кичик ишлаб чиқариш корхоналарини қуриш, маҳаллий ишлаб чиқариш, касаначиликни ривожлантириш орқали ҳам бандликни ошириш мумкин.

Шу ўринда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси "Ешлар қаноти" томонидан ташкил этилаётган "Диплом билан бизнесга", "Ишбилармон талаба", "Келажақ фермери" танловлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда. Лойиҳалар тақдимида битирувчиларга имтиёзли кредит олиш, бизнес режа тузиш, гаров таъминоти, касаначилик ва яқка тартибдаги тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида батафсил маълумот берилмоқда. Танловларда фаол иштирок этган минглаб ёшлар аниқ дамда тадбиркорлик билан шугулланиб, ҳатто ўз тенгдошларини иш билан таъминламоқда.

Иқтисодийнинг барқарор ўсиши ва аҳоли фаровонлиги

кўп жиҳатдан фермерлик, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожига боғлиқ. Партия Сайловолди дастурида тадбиркор, фермер ва мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида қонунчилик базиси механизмини яратиш, фермер хўжалиқларини ривожлантириш, улар учун зарур инфраструктурани шакллантиришга кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган. Ана шундан келиб чиқиб, бандликни тўлиқ таъминлаш учун томорқа хўжалигида деҳқончилик, чорвачилик, маший хизмат шохобчалари, қурилиш ишлари йўналишларида меҳнат қилаётган битирувчиларни ваколатли идоралар томонидан расмий рўйхатга олиш зарур, деб ўйлаймиз.

Кези келганда айтиш жоизки, бугуннинг бахтиёр ёшлари олий таълим муассасасига кира олмаганда ҳам меҳнат фаолиятини бемалол давом эттиришади. Чунки улар коллежда 2 та касб-хунар эғаллаган, қўлида эса ишга жойлашиш тўғрисидаги тўрт томонлама шартнома мавжуд.

Масалан, бу йил Қашқадарё вилоятида 136 та касб-хунар коллежини 47 минг 655 нафар ёш таомолади. Улар билан 17 минг 432 та корхона ва ташкилот ўртасида тўрт томонлама шартномалар тузилган. Тадбиркорликни йўлга қўйиш истагидаги 303 нафар йигит-қизга молия идоралари томонидан 6 миллиард 800 миллион сўмлик кредит ажратилиб, 386 та янги иш ўрни яратилди. Бу эса ана шунча инсон ва унинг яқинларининг хотиржамлиги, бахтиёрлиги, оилавий фаровонлиги демакдир.

Буларнинг барчаси таълим-тарбия тизимидаги ислохотлар муваффақиятли амалга оширилиб, ҳаётимиз мазмунига айлиниб бораётганидан далолат.

Шухрат БОЙМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти ўқитувчиси,
O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши аъзоси



ЎЗА суратлари

ПАРТИЯ ҲАЁТИ


Иқтисодиётимизнинг “қон томирлари”

✓ Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан транспорт-коммуникация соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, янги темир йўл линияларини барпо этиш борасида яхлит тизим яратилаётгани қувонарлидир.

кўп йиллар давомида, айниқса, қишда тоғли йўллардан ўтишда қийналиб келган одамлар учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бундан 25-30 йил илгари бу ерлардан темир йўл ўтади, деса биров устингиздан кулиши аниқ эди. Боиси, Қамчиқ довоининг улкан қоялари, чуқур жарликлари, пасту баланд адирлари узра поезди қатновини йўлга қўйиш ақлга сизмас эди-да! Бунёдкор халқимизнинг азму шижоати, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан орзу-ниятлар ҳақиқатга айланди.

Ҳеч кимга сир эмас, темир йўл транспорти барча давлатлар иқтисодиётининг асосий қон томири саналади. Эътиборлиси, темирйўлчиларнинг куч-ғайрати билан кейинги йилларда мамлакатимизда 1 минг 200 километрдан зиёд янги темир йўл тармоғи барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1 минг 100 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Натижада уларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етиб, мамлакатимизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди. Қурилиш даврида 4 минг киши иш билан таъминланган бўлса, темир йўлдан доимий фойдаланила бошлагач, яна 1,5 минг янги иш ўрни яратилади.

Дарҳақиқат, ўтган йилга беш йил давомида ҳаётимизда юз берган ўзгаришлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир.



Баҳром НИЁЗМАТОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'зЛиДеР фракцияси аъзоси



ётган ютуқлари ва истиқболдаги вазифаларга тўхталиб, қутилмаган бир янгиликка эътиборимизни қаратгани ҳамон эсимизда: “Ангрен – Поп” йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поездда бемалол қатнаш имкониятига эга бўламиз”, деган эди қатъий ишонч билан.

Ўшанда кўнгилларни осмон қадар юксалтирган ушбу сўзлар наинки Андижон, балки бутун водий аҳлини руҳлантириб юборган эди. Бугун орзуларимиз ушалди, ҳеч кимнинг тушига ҳам қирмаган ажойиб тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Яна бир муҳим жиҳати шуки, мазкур темир йўлнинг фойдаланишга топширилиши нафақат ташқари сессиясида ҳудуднинг барча соҳаларда қўлга киритилаётганини кескин оширди, балки

Айтиш жоизки, Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатновини учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган “Навий – Учқудуқ – Султон Увайстог – Нукус” темир йўлининг барпо этилиши бу борадаги дастлабки қадам бўлди. Кейинроқ аср мўъжизаси дея ном олган ноёб иншоот – “Тошгузар – Бойсун – Қумқўрган” пўлат излар линияси ишга туширилди. Қувонарлиси, ушбу саъй-ҳаракатлар юртимизда ягона миллий темир йўл тизимини яратишнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди.

Июнь ойида “Ангрен – Поп” электрлаштирилган темир йўлининг очилиши ҳам халқимиз хотирасида унутилмас воқеа сифатида

да муҳрланди. Сир эмас, Фарғона водийсига асосан Қамчиқ довоини орқали ўтилар, барча коммуникация тармоқлари, транспорт-логистика алоқаси қўшни давлат ҳудуди орқали амалга оширилди. Бу эса диёримиз аҳолисининг 10 миллиондан зиёди яшаётган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларининг ҳаётини эҳтиёжларини таъминлаш, иқтисодиётнинг барқарор фаолият кўрсатиши бўйича айрим муаммоларни юзага келтираётган эди.

Маълумки, 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз Халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳудуднинг барча соҳаларда қўлга киритилаётганини кескин оширди, балки

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Етакчи бунёдкор бўлса...

✓ Мустақиллик йилларида Сурхон воҳасининг қиёфаси тубдан ўзгариб, овоз ва обод Ватанимизнинг жанубдаги гавҳарига айланди, десак муболага бўлмайди. Замонавий уй-жойлар, бир-бирдан салобатли кўркам бино ва иншоотлар, кенг, раван ва ёруғ йўллар, кўприklar, мухташ хиббон ва бог-роғлар вилоят кўркига ўзгача файз, тароват бағишляпти. Эътироф этиш керакки, бундай янгиланишларга мамлакатимиздаги етакчи сиёсий куч – О'зЛиДеРнинг Сурхондарё вилоятидаги таянч нуқталари ҳам ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Фаол сафдошларимиздан бир гуруҳи Термиз шаҳридаги “Саодатбону – Азиза – Термиз” хусусий корхонасида иш олиб боришляпти. Бу жамоадаги партиямиз бошланғич ташкилотига корхона директори ўринбосари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Шокир Тошбоев етакчи этиб сайланган.

– Тилга олинган Бошланғич партия ташкилоти шаҳардаги энг намунали кўйи бўғинлар, – дейди О'зЛиДеР Термиз шаҳар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Гулноз Бобоқуллова. – Ушбу, корхонадаги сафдошларимиз “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш, турли байрамлар муносабати билан ўтказилаётган тадбирларда ҳам нҳоятда фаол иштирок этаётир. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ибратли ишларни амалга оширмоқда.

БПТ етакчисининг фаолияти хусусида у билан елкама-елка меҳнат қилаётган маслаҳатдошлари ҳам дои-

– Таянч ташкилотимиз ўз сафиди йигирма нафар аъзони бирлаштирган, – дейди кўйи бўғин раиси. – Улар сиёсий етуқлиги, изланувчанлиги ва ташаббускорлиги билан бошқаларга ибрат бўлмоқда. Айтиш керакки, биз амалга ошираётган қурилиш ишлари мазмун-моҳиятида ажодларимизнинг азалий орзу-умидлари ўз ифодасини топган. Бундан ҳар қанча фахрлансанг арзийди. Бу янгиланишларнинг мевасидан нафақат биз, балки келгуси авлодлар ҳам баҳраманд бўлишини кўз олдимида келтирар эканмиз, қалбимизда ифтихор туйғуларини янада жўш уради. Шу боис яратувчилик ишларига ҳар биримиз янада кўпроқ ҳисса қўшишга интиляймиз.

Дарҳақиқат, юрт ободлиги йўлида ахиллик ва ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган қурувчилар ўтган йилларда Термиз давлат университетининг салобатли ўқув биноси, ётоқхонаси, жанубдаги сарҳадларимизни қўриқлаётган Ватан ҳимоячилари учун Термиз шаҳрида 32, Музработ туманида 48 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли замонавий уй-жойларни қуришди. Таълим ва тиббиёт муассасаларини тубдан реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ишларида ҳам ўз ҳиссасини қўшишди.

Сиёсий етук инсонларни жиплаштирган О'зЛиДеР таянч тузилмаси корхонада янги иш ўринлари барпо этиш ва фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш борасида изчил чора-тадбирларни белгилаб олишга бевосита кўмаклашмоқда. Бу ишларда депутатга О'зЛиДеР вилоят ва Термиз шаҳар Кенгашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатгани, БПТ аъзолари билан муҳим меҳнат қилган жамоамиз 150



кишига етди, – дейди БПТ аъзоси Хайдар Халилов. – Шунингдек, ишчилар учун хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, ходимлар манфаатлари муҳофазасини мустаҳкамлашга ҳам катта эътибор қаратялмиз. Бу борадаги саъй-ҳаракатларимиз корхонамизнинг янада кенгайиши, иш самарадорлиги ортисида муҳим омил бўлмоқда.

Кўйи тузилма раҳбарининг депутат сифатидаги фаолияти ҳам диққатга сазовор. Вилоят Кенгашига Бойсун туманидан сайланган партиямиз вакили сайловчилар билан тез-тез учрашув ўтказиб, мамлакатимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар билан яқиндан таништирмоқда. Туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни янада ривожлантириш, ҳудудни ободонлаштиришга оид таклифлар билан чиқмоқда. Аҳолини ўйлантираётган айрим масалаларни ҳал этишга кўмаклашмоқда. Бу ишларда депутатга О'зЛиДеР вилоят ва Термиз шаҳар Кенгашлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатгани, БПТ аъзолари билан муҳим меҳнат қилган жамоамиз 150

мо ана шундай илиқ фикрлар билдиришляпти.

– Инсон қачон касбидан, қилаётган ишдан роҳатланиши, фахрлиниши мумкин? Қачонки, ўз меҳнатининг моҳиятини чуқур англаб етса, унинг ижтимоий аҳамиятини равшан тасаввур қилса, – дейди БПТ аъзоси Менгтўра Бердиёров. – Етакчимиз кўп масалаларга ана шу нуқтаи назардан ёндашляпти. Масалан, яқинда жамоамизда “Истиқлол самаралари: парламентнинг мамлакатимиз ривожланишида тутган ўрни” мавзусида давра суҳбати ўтказдик. Унда Ўзбекистонда икки палатали парламентнинг аҳамияти, ислохотларда қурувчиларнинг иштироки жонли мисоллар орқали айтиб ўтилди. Муҳтасар айтганда, “Саодатбону – Азиза – Термиз” хусусий корхонаси бошланғич партия ташкилоти ва унинг серғайрат етакчиси амалга ошираётган барча эзгу ишлар О'зЛиДеР Дастури ва Сайловли платформасида белгиланган мақсад ва вазифалар ижросига йўналтирилган.

Муҳиддин ЖАБОРОВ.
Сурхондарё вилояти

ЛОЙИҲА ДОИРАСИДА

Қўли гул аёллар

✓ Юртимизда яратилган ишбилармонлик муҳити хотин-қизларнинг ҳам орзулари ушалиши, қобилияти юзага чиқиши, энг муҳими, ўзи севган касб бошини тутушига туртки бўлаётир.

– О'зЛиДеРнинг лойиҳасида иштирок этиб, “Микрокредитбанк” туман филиалидан 6 миллион 512 минг сўмлик имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлдим, – дейди боготлик Нилуфар Собирова. – Ёшлигимдан қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ёқтираман. Айни пайтда беш нафар дугонам билан турли хил ширинликларни савдо дўкони ва боғчаларга етказиб бераймиз. Энди торт дўкони очиб ҳаракатидаман.

Ҳа, ўзбек аёли матонатли, ишбилармон, қўли гул, пазанда. Коллежаларни тамомлаётган қизларимиз томонидан тўқилган, тикилган бежирим либос, кашталарни қўриб

кайфиятингиз кўтарилади, ҳавасингиз келади. О'зЛиДеР Хоразм вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими томонидан “Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оиллага” лойиҳасининг вилоят босқичида оилавий тадбиркор ва хунармандлар томонидан яратилган маҳсулотлар томошабинлар диққат марказида бўлди.

– Жорий йилда лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичида 16 нафар хотин-қизга 391 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратилган бўлса, вилоят босқичида ҳам қатнашчилардан 16 нафарига банкнинг мах-



сус сертификатлари топширилди, – дейди О'зЛиДеР вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаолиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири М. Раҳимова. – Шунингдек, бизнес оламига эндигина келган ёшлар келажақда ўз фаолиятида дуч келиши мумкин бўл-

ган муаммоларни бартараф этиш йўл-йўриқлари билан танишишди. Тадбирда фаол, ишбилармон хотин-қизлар фикр-мулоҳазалари асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Дилноза НОМОЗОВА
“XXI asr” мухбири

МУЛОҚОТ

Мулқдорлар синфи – жамият таянчи

✓ О'зЛиДеР Самарқанд вилоят Кенгаши томонидан “Ўрта синф – мулқдорлар синфи – жамият таянчи” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Ҳамкор ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари, депутатлар, тадбиркорлар иштирок этган мазкур тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер ва тадбиркорлар фаолиятида учрайдиган тўсиқ ва ғовларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар хусусида сўз юритилди.

– Сўнгги йилларда хусусий мулк ҳимоясини мустаҳкамлаш мақсадида қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Бахтиёр Мустафаев. – Айни пайтда Самарқанд вилоятида 14 минг 547 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъек-

ти самарали фаолият юритмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида 1 минг 231 тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, уларга 658 миллиард 600 миллион сўмлик кредит ажратилди.

Эътиборлиси, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 72 фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,7 фоизини, саноат маҳсулотларининг 51,4 фоизини ишлаб чиқармоқда. Иш билан банд аҳолининг 84 фоизи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
“XXI asr” мухбири

ТАҲЛИЛ

Самарали фаолият ютуқларга йўл очади

✓ Халқ депутатлари Ромитан туман Кенгашидаги О'зЛиДеР депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида партиянинг Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари депутатлигига сайланган сафдошларимиз – Бозор Норов, Суннат Ҳасанов, Умид Султонов, Дилфуза Саломованинг ярим йилда амалга оширган ишлари тингланди.

Маълум бўлишича, ҳисобот даврида электрорат манфаатларига оид қонун ва қонуности ҳужжатларининг жойлардаги ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилди, фуқаролар мурожаатлари юзасидан тегишли ташкилотларга сўров юборилди, сайловчилар билан учрашувлар ўтказилди.

Депутатлик гуруҳи томонидан мансабдор шахсларга 13 та депутатлик сўрови юборилиб, 8 марта мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи эшитилди. Жумладан, депутатлик сўровига мувофиқ, туман бандликка кўмаклашиш маркази директори А. Жабборов, АТ “Агробанк” туман бўлими бошқарувчиси Н. Ғаниев, туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ж. Эргашев ва бошқалардан ечимини кутаётган масалалар бўйича жавоблар олинди. Жавобларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш, тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш,

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва диверсификация қилиш режалари ўз ифодасини топган.

Депутатлик гуруҳи томонидан мансабдор шахсларнинг ҳисоботини тинглаш ҳам эътибордан четда қолмаётгани йўқ. Жорий йилнинг шу даврига қадар туман ҳокими М. Олимов, Ромитан саноат касб-хунар коллежи директори Д. Ражабов, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Р. Сафарованинг ўз ваколати доирасида амалга оширган ишлари бўйича ҳисоботи тингланган. Эшитувчиларда ҳудудда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш орқали иқтисодиётга киритиладиган хусусий сармоялар ҳажмини кўпайтиришни таъминлаш, касб-хунар коллежи битирувчиларини ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш борасида олиб борилган амалий саъй-ҳаракатлар ўрганилиб, келгуси вазифалар юзасидан қарор қабул қилинган.

Йиғилишда сўзга чиққан депутатлик гуруҳи раҳбари Р. Атоева, О'зЛиДеР туман Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, аппарат раҳбари Н. Воҳидов партия ва депутат фаолиятини янада жонлантириш давра талаби эканлигини қайд этишди. Йиғилишда маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан туман ҳокимлиги ҳузурдаги Ягона дарча маркази фаолиятини ўрганиш асосида Халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига тегишли таклиф киритиш бўйича қарор қабул қилинди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири

МОҲИЯТ

КҮНГИЛДАГИ ГАПЛАР

Рашкми ё зарар

ёхуд аёлнинг пул топиши орият саналадими?

ТОШДА ҲСАЁТГАН ГУЛ

Бирор таълим даргоҳида ўқиб-ўрганилган илм – касб-хунар дейилади. Олий ёки ўрта махсус таълим тугул, оддийгина ўқув курсини ҳам кўрмаган, лекин ўз-ўзидан нимадир ярата олиш қобилияти бўлса-чи? Бу истёвдоддир! Бундай фазилатга эга кишиларни турма истёвдод, туғма иқтидор соҳиблари дейимиз. Бу синалган, тасдиқланган таъриф.

Маҳбуба – қўли гул тикувчи. Чеварлик она мерос, ҳам севган хўнари. Қўли қайчига теғдими, жим туролмайди, нимадир бичишга киришиб кетади. Унинг учун кераксиз матонинг ўзи йўқ. Катта кишига ярамай, торлик қилиб қолган, йиртилб ёки эскириб қолган кийимни кўрдими, айримларга ўхшаб чинқиндига улоқтирмайди, пол латта ҳам қилмайди – фарч-гурч қирқади-да ёш боласига уйга кийишга қўйлақ тикиб беради. Майда-чуйда қийим маточалар ҳам у учун кераксиз эмас. Бекорчиликда айрим аёлларга ўхшаб, кўчага чиқиб гийбатлашиб ўтирмайди-да, зерикиб қолмаслик учун маточаларни кураб-кураб қурқ қурпача, ёстиқча, чойнакпўшлар тайёрлайди. Хилма-хил рангли қийим матолар меъморийнинг турфа бўёқлари каби уйғунлашиб, яхлит матодан тикилгандан-да гўзал манзара кашф этади-ки, қўлга олиб, электр ёруғида бир айлантириб, томоша қилмасликнинг сира иложи йўқ.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Аёлларнинг оддий кийимидан тортиб, келинлик либосига тикишни дундиради у. Ўғилчасига ҳам кўпинча ўзи уст-бош тикиб беради. Қачон уйга борсам, тикув машинасининг олдида нималарнидир тикиб ўтирганининг устидан чиқаман. Дераза ва эшиклариди оддий матолардан тикилган пардаларнинг бежиримлиги ҳам кўзни қувнатади, булар унинг ижод маҳсули эканлигига ҳавасингиз келади.

Аммо, ўзининг айтишича, оилада фақат эр ишлайдиган бу рўзгор ҳаминқадар. Ахир ижарада яша... Ҳадемай мактабга чиқадиган ёлғизгина ўғли ҳам ҳалигача боғча ўхшаган яхши чевар излаб юрганлар қанча? Қолаверса, ҳозирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ўзини кўрсатаман, деганларга барча имкониятлар очик. Сиз ҳам ишингизни кенгайтирмоқчи, ривожлантирмоқчи бўлсангиз давлатимиз бу қарорингизни қўллаб-қувватлаганига қўлмай, балки молиявий қўмак ҳам беради. Сизникидай хўнарим, истёвдодим бўлганда бугунги имкониятлар, гамхўрликлардан унумли фойдаланган бўлардим. Ахир ҳукуматимизнинг сиёсати сиз билан бизнинг фаровон яшашимизга қаратилган бўлиб, бунга шукрона айлаб, ҳам ўзимизга, ҳам жамиятимизга ўз хиссамизни қўшсак, аини мумудо бўларди. Шундай эмасми?

– Эҳ, сиз ҳам ичимдагини кўзгадингиз-да, – қучур хўрсиниб қўяди у. – Теле-



экранда менга ўхшаган аёлларнинг ўзига муносиб соҳаларда катта мавқеларга эришадигани, ишлаб чиқариш корхоналарини бошқараётганини кўрсам, ҳавасим келади. Ёки тикув, тўқув цехларида махсус иш кийимларида жамоа қаторида шижоат билан ишлаб, бозорларимизни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган кийим-кечаклар билан таъминлашга ўз хиссасини қўшаётган хотин-қизлар қаторида мен ҳам бўлгим келади. Тезкор ва сифатли иш беришда ўзимни кўрсатиб, оиладан ташқарида ҳам ҳурмат-эътибор, эъзоз топсам дейман, ич-ичимдан бунга интиламан.

Лекин... Нимасини айтасиз, эрим тушмагур ўта рашкчи-да. Бирор жойда ишлаш ҳақида-ку, оғиз ҳам очолмайман. Уйда иш қилишга ҳам рухсат бермайди. Аёлни ишлаб қўйибди, деган гапдан ор қилармиш. “Сен пул топсанг, бой бўлиб қолармидик?” дейди тагин. Ҳеч қурса ўғлимизни боғчага чиқариб тўловини кўтарардим, кўчада сангб юрмасдан тартибли бўларди, азув-чикувни ўрганарди, десам, “Бизлар боғча кўрмай мактабга чиққанмиз, мана дуппа-дурумтиз-ку”, дейди пинагини ҳам бузмай. Ҳозир болалар мактабга харф таниб чиқишга, ҳовли бўлсам майли, “дом”да зерикиб ўтиришни айтмайсизми. Қайнонамдан ўглини кўндиришни илтимос қилсам. Бизнинг оилада аёллар ишлаши ор саналиб келинган, шунинг учун тишингизни-тишингизга қўйиб юринг, деди...

Дарҳақиқат, Маҳбубанинг гапларида жон бор. Тайёр хўнари бўлса-ю, қорига ярамаса, кимгадир ўргатиб шогирд қолдирилмас, не наф? Рашкчи, “ориятли” эрининг кира қиладиган машинаси ҳам ижарага олинган. Уч кун ишласа, тўртинчи кун “запчаст” дейди. Шундай вақтда бундай рашк ва “орият” фойдадан кўра зарар эканлигини мана бундай хўнарли аёлнинг эри билармикан?

“РАҚОБАТДА МЕН ҲАМ БЎЛАМАН”

Энди мана бу манзарага эътибор беринг: Нигора опа – беш фарзанднинг онаси. Эрининг иши тўфайли икки йил бурун Тошкентга, қўшни уйлардаги хонадонлардан бирига кўчиб келишганди. Меҳмондўст, чехраси очик аёл. Уй бекаси. Ўқишга қираман, деган йили онаси оғир хасталикка чалинган учун дипломли бўлиш унга насиб

этмаган экан. Қишлоқда экин-тикин қилиб, камхаржликка ўрганган эмасми, шаҳарнинг “сотиб ол, олиб кел”лари уни анча ўйлантириб қўйибди, шекилли, бир даврда “Хўнара ўрганиб, мен ҳам пул топмасам бўлмайди”, деб қолганди.

“Эрингиз яхши топади-ку, сизга нима зарил?”, деган қўшниларнинг эътирозлари унга қаршилиқ бўлолмади. “Ўтиб еганга тоғ чидамас. Бир эрининг тогани рўзгорнинг қайси қорига етсин, болалар мактабда бўлса, уйда зерикиб ўтирамани?”, деди-да, айтганидай қилди – болалар мактабга кетиб-келишлари оралигида тикиш-бичиш курсини ўқиб тугатди. Аввалига болаларига тикиб кийдирди, сўнгра бир-иккита кўни-қўшнига, кейин эса кўпроқ буюртмалар қабул қилиб яхшигина пул топапти. Ҳамсоғлар ҳам юмушлари бўлса бир қадам деб унга югуришади. Ўрганганларини уч нафар қизига ҳам ўргатиб, хўнарли қилди. Ҳатто, ўтган ўқув йилда 1 минг 200 та мактаб либоси тикиб, сотувга чиқарди. Фойдасидан болаларига дарс-столти, ўзига эса қўп имкониятларга эга тикиш машинаси сотиб олди. “Келажақда кичкинагина тикув цехи очилсиниятми бор”, деганди Нигора опа суюниб.

Анчадан буён кўрмагандим, яқинда йўлда учрашиб қолдик. – Энди уй ҳамшираси курсига қатнаяман. “Иссиқ жонинг иситмаси бор” деганларидек, фарзандларим шамоллаб қолса, ўзим уқол қилавераман-да. Бу ерда бировга битта игна суқтирсанг фалон сўм сўрашаркан. Шунинг ўзидан олай дейман-да, – дейди шоша-пиша.

– Бу нима? – қўлидаги бир даста қоғозларга ишора қиламан тиниб-тинчиман аёлнинг шижоатига ҳавас қилиб.

– Ҳа-я, – жилмайди у. – Айтгандим-ку, хусусий тикув цехи очилсиниятми бор, деб. Давлатимиз, қолаверса, O'zLiDeP бизга ўхшаган хўнара эгаларининг фойлиятини кенгайтириш, хотин-қизларимизни иш билан таъминлашга эътибор бераётган экан. Шунга мен ҳам би-ир уриниб кўрай-чи, зора, ниятним амалга ошиб қолса, маҳалламизнинг бекорчи аёлларини ҳам иш билан таъминлаб, қаторимга олардим. Умримни бекор ўтказмай, дейман-да, синглим. Ахир, мен кутган кўнар келди-да. Ўқимаганман, деб ўқисиб юрардим. Бизга ўхшаганларнинг юрагига қўлок солиб, бизни ўйлаб шундай йўл очиб берилганидан хурсанд бўлмай буладими? Энди мен ҳам ишлай оламан, энди менинг ҳам ўз ҳамкасбарим, ўз жамоам, керак бўлса ўз ижодхонам бўлади. Энди мен ҳам ўз маҳсулотларим билан рақобатлаша оламан!

“Ниятингизга етинг” дедим, Нигора опанинг гапларини тинглаб туриб. “Интиланганга толе ёр” деб бөжиз айтишмаган. Бир аёлнинг шижоати, рўзгорига ёрдами, ибрати ҳам шунчалик-да. Бундан ташқари, кексаларимиз нақл қилишганидек “эр-хотин – қўш хўкиз” бўлсагина оилада барака, тотувлик бўлади. Жуфти ҳалопининг ҳалол пул топишини гоҳ орият билиб, гоҳ рашк қилиб “ўтиргизиб” қўйганлар эса бунини тушунармикан?..

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
“XXI asr” мухбири



Ахрор АҲМЕДОВ,
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош муҳаррири:

– Оноре де Балзак ўлмас ўхшатиш ёзиб қолдирган: “Яхши китоблар ўзига чорловчи юксак тоғларга ўхшайди”.

Китоб тарғиботининг муҳим шартли реклама. ОАВда, яъни ТВ, радиода реклама қиммат туради. Эгаридан тушови қиммат дегани шу. Қир сувун ёки кир ювиш кукуни билан китоб рекламасининг нархи бир хил. Менимча, китоб рекламаси нархини кескин арзонлаштириш ёки бутунлай текин қилиб қўйиш керак.

“Дунёни гўзаллик кутқаради” деган гап бор. Лекин мен кўпроқ “Дунёни китоб кутқаради” деган гапга ишонаман.

Кўз олдимдан кетмайди, Фукусима фожiasi бўлган кезлар, талафот кўрганларнинг бир гуруҳи яқинроқ мактабнинг спорт залига жойлаштирилган ҳолат телевизор орқали кўрсатилди. Бор бундан жудо бўлган бир япон йигит чойшабага ўралди, спорт зал полига мук тушиб китоб ўқирди. Яна ўша телелавҳада эгасиз супермаркетга кирган бир япон икки дона сувни олди-ю, чиқиб кетди. Ажаб, шундай фожиа юз берса-ю, бирорта “мародёр”, яъни кафандуз бўлмаса?! Бу китобнинг, маърифатнинг шарофатидан

десам ишонөөринг... Иккинчи жаҳон урушида енгилган японларнинг бугунги тараққиёти замини ҳам нимадан, деб ўйлайсиз? Албатта, китобдан...

Мен китоб ҳақида қўп гапирман: телевидение, радио, газеталарда. Баъзан савол беришади: “Гапингиздан шундай маъно чиқадики, китоб ўқиган одам бахтли бўлар экан-да?” Қанийди “ҳа” деб баралла айтосам...



ратура тизимида хизмат қиладиган танишларимдан сўрайман: “Жиноят содир бўлишидан олдинги ҳолатлар, жиноят мотивларида китоб борми, ҳеч китоб ўқиб ўтириб, уни шартта ёпиб, шу ишига қўл урган ҳолатлар-чи?” Улар доим “йўқ” дейишган. Одам телевизор кўриб, видео кўриб, компьютердан туриб, тўйдан чиқиб жиноятга қўл урган бўлиши мумкин, фақат китоб ўқигандан кейин



Йўқ, ҳамма китоб ўқиган ҳам бахтли бўлавермайди. Гарчи китоблар бахтга етиш йўлини кўрсатиб берса ҳам. Лекин бир нарсага аминман, китоб ўқиган одамдан асло ёмонлик чиқмайди, у балки жуда бой, тўқис яшамас, лекин тўғри, ҳалол яшайди, қаноатли бўлади. Ички бутунлик, хотиржамлик, кўзи тўқлик унинг ҳаётига нур, фойд, мазмун бахш этиб туради. Аслида шунинг ўзи бахт эмасми?!

Бот-бот кўришганимизда проку-

ЎРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Asaka” bank

2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан миллий валютадаги муддатли янги омонат турини тақлиф этади:

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА”

Ушбу омонатга хисобланган фойзлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан бирга “Asaka” bank миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 14 турдаги қўлай шартларда омонат турларини тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон	Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13	Наманган вилоят филиали	369	227-15-68
Автотранспорт филиали	371	120-39-95	Навоий вилоят филиали	436	770-21-29
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36	Зарафшон филиали	436	572-40-14
Юнусобод филиали	371	221-80-67	Бухоро вилоят филиали	365	770-05-19
Сирғали филиали	371	257-44-10	Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13	Самарқанд вилоят филиали	366	233-65-47
Андижон вилоят филиали	374	223-60-74	Афросиёб филиали	366	221-71-76
Асака филиали	374	233-21-99	Қашқадарё вилоят филиали	375	221-07-41
Фарҳод филиали	374	226-96-63	Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Фарғона вилоят филиали	373	244-39-14	Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Марғилон филиали	373	237-62-23	Хоразм вилоят филиали	362	228-14-81
Олтиариқ филиали	373	432-19-80	Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Қўқон филиали	373	542-61-01	Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалар ва тасарруф ҳукуки ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

“Asaka” bank – сармоянгизнинг сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!

www.asakabank.uz Хизматлар лицензияланган

MUASSIS:
TADBIRKORLAR VA
ISHBILARMONLAR
HARAKATI –
O‘ZBEKISTON
LIBERAL-
DEMOKRATIK
PARTIYASI

ASR
IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир хайъати:

Содикжон ТУРДИЕВ
Дилшод ШОУМАРОВ
Алишер СУЛТОНОВ
Абдумажид ҚАРИМОВ
Алишер ШАЙХОВ
Илҳол МИРЗО

Қўқоньяк САНАКУЛОВ
Тулкин ЭШНАЗАРОВ
Алуам ШОДМОҲОВ
Расул КУШЕРБАЕВ
Виктор ПАК
Бегмат ОЧИЛОВ

Тахрират манзили:
Тошкент шаҳри,
Нукус кўчаси, 73А-уй.
электрон почта:
xxi.asr@gmail.uz

Телефонлар:
қабулхона – 215-63-80
(тел./факс).
Котибият – 281-40-17
Реклама ва шартнома-
лар бўлими – 215-60-45,
255-68-50

“XXI asr” иқтисмоний-сўғий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2016 йил 8 апрелда 10-3648 А рақами билан қайта рўйхатдан ўтказилган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди.
Ҳажми – 2 босма табоқ.

Буюртма рақами: Г – 966 Тираж: 8290
Баҳоси келишилган нархда. Топширилди – 23:00

Тахриратта келган қўғезмалар таърих қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахрират нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас.

Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер

Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланган.

ISSN 2181-497X

9 772181 497004

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррирлар:
Б. ИСРОИЛОВ, Х. САЛОМОВ